

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 24 июлдаги “Тошкент шаҳрининг Яшнабод туманини комплекс ривожланиш ва реновация ҳудудининг чегарасини белгилаш ҳамда ушбу ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида”ги 522-14-0-Q/24-сонли қарори билан Илтифот МФЙ (2,51 га) ҳудудида реновация лойиҳасини таклиф қилиш бўйича
МАЛАКА БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Э Ё Л О Н

1. Малака босқичида иштирок этишга кизиқиш билдирган Инвестор ариза ва ҳужжатлар (қуйидаги манзилган қоғоз ёки электрон ҳужжат шаклида) билан муурожаат қилади.

2. Малака босқичида иштирок қилиш учун “Тошкент Инвест компанияси” АЖнинг Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ислон Каримов шох кўчаси, 51-уй (почта индекси: 100066, тел.: +998712100261, el. pochta: info@toshkentinvest.uz ва i.karimov@tashkentinvest.com) манзилига **2024 йил 27 ноябр кунинга қадар ҳафтанинг душанба кунидан жума кунинга соат 9⁰⁰ да 18⁰⁰ гача** ҳужжатлар қабул қилинади.

3. Такдим этиладиган ҳужжатлар:

3.1. Иштирокчининг аризаси (намуна 1-иловада);

3.2. Инвестор (унинг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки унинг ҳар қандай шоъба корхоналари, асосий компанияси, у боғлиқ бўлган ва (ёки) у томонидан жалб қилинган лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилоти охириги **5 йил ичида** реновация лойиҳаси доирасида **янги қурилиши** режалаштирилган объектни умумий майдонининг камида **ўн фонзи (5 000 м2)** қурилиш тажрибасига (объектни фойдаланишга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда) эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар (намуна 2-иловада);

3.3. Инвестор таъсис ҳужжатлари тўғрисида маълумот (устав ва юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома);

3.4. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот охириги **10 кунликдаги** (резидентлар учун) (my.gov.uz сайтидан);

3.5. Банкротлик белгилари ёки банкротлик тўғрисидаги қарорларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот (резидентлар учун) (my.gov.uz сайтидан).

4. Ҳужжатларга талаблар:

4.1. Аризага қўшилган иловалар барчаси .PDF форматида бўлиши шарт.

4.2. Аризани электрон почта орқали юборишда хатнинг мавзусини кўрсатиш шарт.

4.3. Ҳар бир файл ҳужжат номига эга бўлиши шарт.

4.4. Ариза ва ҳужжатлар топшириш муддати бузилган ва (ёки) улардаги маълумотлар тўлақонли эмас ва ишончсиз деб топилган тақдирда, аризани кўриб чиқишни рад этилади.

4.5. Бунда, Инвестор тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Аризаларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг комиссия аъзолари томонидан ариза ва ҳужжатлар **3 иш** кун ичида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

6. Қабул қилинган қарорнинг кўчирмаси Компания томонидан **2 иш** куни муддатда Компания сайтида жойлаштирилади

**"Тошкент Инвест
Компанияси" АЖнинг
"Реновация ва қурилиш"
лойиха офиси раҳбари**



И.Каримов

(Компания блакансида)

Исх. № _____
« ____ » _____ 2024 г

«Тошкент Инвест Компанияси»
АЖ Бошқаруви раиси
Б.А Шакировга

Хурматли, Баҳром Аскаралиевич!

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 24 июлдаги “Тошкент шаҳрининг _____ туманини комплекс ривожланиш ва реновация ҳудудининг чегарасини белгилаш ҳамда ушбу ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги _____-сонли қарори билан _____ МФЙ ҳудудида реновация лойиҳасини таклиф қилиш бўйича малака босқичида иштирок этиш тўғрисидаги эълон қилинган.

“ _____ ” МЧЖ Инвестор сифатида мазкур танловининг малака босқичида иштирок этиш истагини билдиради.

Шу мақсадда, танлов шартига мувофиқ, тажриба тўғрисидаги маълумотлар, таъсис ҳужжатлари, солиқ, қарздорлиги ва банкротлик белгилари (қарори) мавжуд эмаслигига оид ҳужжатлар тақдим этилмоқда.

Илова: “ ____ ” варақда.

Хурмат билан,

Директор

Ф.И.Ш.



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
ҳузуридаги Қурилиш
соҳасида назорат
инспекцияси

№ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
Ҳужжат яратилинган сана: XXXX XXXX
Ариза рақами: XXXXX

Ҳужжат берилган:
СНЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
СТИР:

Қурилиши (реконструкция) тугалланган объектдан фойдаланиш учун РУХСАТНОМА

Ариза рақами: XXXXXXXX

Берилган санаси:

"нинг XXXXXXXXXXXXX -сонли аризасига мувофиқ МФЙ, 1-уй манзилидаги қурилиш (реконструкция) тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат этилди. Мазкур рухсатнома объектдан фойдаланиш учун асос бўлади.

Мазкур рухсатнома кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Бино ва иншоотнинг номи	Кадастр рақами	Бинолар сони	Умумий майдон (ташки) (м ²)	Умумий фойдаланиш майдони (м ²)	Яшаш майдони (м ²)	Қурилиш ости майдони (м ²)
Ко`р қavatli turar joy (16 қavatli)	XX:XX:XX:XX:XX:XXXX	1	XXXX	XXXX	XXXX	XXXX
Жами:		1	XXXX	XXXX	XXXX	XXXX

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини hero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини қиритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

XXXX QR cod